Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 14.09.2022 г. № 324-2-35-ХТ/2022**

**между "Голд Мега Капитал Строй Сервис " МЧЖ и Жондор туман ХТБ на общую сумму 756768980,00**

Глава 075

Казначейский лицевой счёт 401722860062467092100075012

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4321200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | 756 768 980,00 | | | 756 768 980,00 |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **756 768 980,00** | | | **756 768 980,00** |

Всего 756768980,00 сум — Семьсот пятьдесят шесть миллионов семьсот шестьдесят восемь тысяч девятьсот восемьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 227030694,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в сентябр мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Х. Рахимов
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ А. Камолов
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «14» 9 324-2-35-ХТ/2022-сон Жондор туман

“Голд мега капитал строй сервис” МЧЖ (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда ”Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Рахбар А.Аслонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор туман халқ таълими бўлими (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Мудири Х.Рахимов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича Пудратчи Буюртмачининг буюртмасига асосан Жондор туман халқ таълими бўлимига карашли 35-сон умумий ўрта таълим мактабида 9х18 хажмли спорт зали куриш, Буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу шартноманинг умумий суммаси ККС хисобга олинган холда 756 768 980 (Етти юз эллик олти миллион етти юз олтмиш саккиз минг туккиз юз сакон) сўмни ташкил этади.

## ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан Курилиш ишларининг қиймати ККС хисобга олинганда **756 768 980 (Етти юз эллик олти миллион етти юз олтмиш саккиз минг туккиз юз сакон)** сўмни ташкил этади.

2.2. Курилиш ишларининг бошланиши: Олдиндан 30% тулов амалга оширилгандан сўнг.

2.3. Курилиш ишларининг тугаши вакти 2022 йил 31 октябр.

## КУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Курилиш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни Пудратчи олгандан сўнг Курилиш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 241-сонли қарорига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади. Пудратчи мазкур карорга амал қилиши шарт.

3.3. Буюртмачи томонидан Курилиш ишларини бажариш даврида Пудратчига ўзи томонидан харид қилинган Курилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Курилишни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Курилишни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг Курилиш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар бюджетдан кўзда тутилган маблағлар жорий қийматининг 30 фоизи микдорида **сентябр** ойида аванс ўтказади, бу **227 030 694 (Икки юз йигирма етти миллион уттиз минг олти юз туксон турт сўм)** сўмни ташкил этади, 70% ишлар бажарилганлигини таъсдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг яъни (Ф-2, Ф-3) далолатномалари орқали орқали ушбу туловлар жорий йилнинг **31 октябр** кунигача амалга оширилади.

4.2. Буюртмачи тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

4.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

4.5 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод килинмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1.Шартнома баҳоси 756 768 980 (Етти юз эллик олти миллион етти юз олтмиш саккиз минг туккиз юз сакон) сўм бўлган Курилиш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус Курилиш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб килади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган Курилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни Буюртмачига тақдим килиши шарт. Агар Курилиш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.4. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.5. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, Буюртмачи махсус ҳисоб-рақамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди. Пудратчига пеня тўлайди.

6.2. Буюртмачи Курилиш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. Буюртмачи тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофик 2-сонли далолатномани Пудратчи билан биргаликда тузади.

## 7. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

58. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати,

ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар, хизматлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

59. Ишлар, хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

7.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача белгиланади).

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-мажор ҳолатларида

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят иқтисодий судида ҳал қилинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. КОРРУПСИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

10.1 Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги ёҳуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди: пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш; товламачилик қилиш; пора сифатида пул тўлаш; бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

"ПУДРАТЧИ"

**"Голд мега капитал строй сервис" МЧЖ**

(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Охших МФЙ

Тел./факс

Ҳ/р 20208000500757588001

Банк номи Микрокредит банк Жон.фил

МФО 00116 ИНН 304814074

Раҳбар З.Шарипов

М.Ў.

"БУЮРТМАЧИ"

**Жондор туман туман халқ таълими бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Халкобод кучаси 28-уй

тел./факс 58-21-944

Ғазна./ҳ 23402000300100001010.

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014 ИНН 201807824

ОКОНХ 92310

ш/ҳ 401722860062467092100075012

Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси

Банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Мудир. Х.Рахимов

М.Ў.

-сонли шартномага

ИЛОВА

Коррупсияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1.Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (Жондор туман халқ таълими бўлими) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги ёҳуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш; товламачилик қилиш; пора сифатида пул тўлаш; бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради. 2. Агар шартнома бўйича бир Томон (Жондор туман халқ таълими бўлими) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир етишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупсия ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони 71 2070464

Телеграм-канали (“@антикорбот”);

| | |
|---|---|
| **“Голд мега капитал строй сервис” МЧЖ**<br>(етказиб берувчининг номи)<br>Манзил: Жондор туман Охших МФЙ<br>Тел./факс<br>Ҳ/р 20208000500757588001<br>Банк номи Микрокредит банк Жон.фил<br>МФО 00116 ИНН 304814074<br><br>Раҳбар З.Шарипов<br><br>М.Ў. | **Жондор туман туман халқ таълими бўлими**<br>(бюджетдан маблағ олувчининг номи)<br>Манзил: Жондор туман Халкобод кучаси 28-уй<br>тел./факс 58-21-944<br>Ғазна./ҳ 23402000300100001010.<br>Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ<br>МФО 00014 ИНН 201807824<br>ОКОНХ 92310<br>ш/ҳ 401722860062467092100075012<br>Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси<br>Банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ<br>МФО 00014 ИНН 201122919<br><br>Мудир. Х.Рахимов |

.RO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: HP1355860840

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Hujjat raqami: HI45858451

2.Loyihaning turi: Shartnoma

3.Loyihaning nomi:

“Pudrat shartnomasi tuzish to‘g‘risida ”

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:

Jondor tumani xalq ta’limi bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 12- sentabr kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman adliya bo‘limiyuridik xizmat**
**ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **A.Rasulov**

2022-yil 14-sentabr